

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 120 (1446), 2025 йил 13 июнь, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Тараққиёт одимлари



ЎЗБЕКИСТОН

IV ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДА ИҚТИСОДИЁТ УЧУН МУҲИМ ЛОЙИҲА ВА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Пойтахтимизда жорий ҳафтанинг энг муҳим тадбирига айланган, минглаб хорижлик инвестор ва сармоядорларни юртимизга чорлаган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишини якунлади. Аниқроғи, жаҳон эътиборида бўлиб турган йирик анжуманнинг кизгин руҳда ўтган тадбирлари, юқори даражадаги учрашувлар, сессия ва бизнес мулоқотларнинг бу йилги режаси низоҳланди. Аммо халқаро форумга доир амалий ҳаракатлар энди бошланади. Боиси, тадбир доирасида режалаштирилган ташаббуслар ҳамда имзоланган келишувлар барқарор ривожланиш ва инвестицияларни жалб этиш йўлида фаол иш юритилишини ваъда қилмоқда. Бу йилги форум доирасида иқтисодий ўсish учун муҳим лойиҳалар келишувига эришилгани жаҳон сармоядорларининг Ўзбекистонга қизиқиши ошиб бораётганидан далолат.

Улар форум доирасидаги тадбирларда ҳам буни алоҳида таъкидлади. Ахир 7500 дан ортиқ делегат, жумладан, қарийб 100 давлатдан 3000 га яқин хорижлик меҳмонни бир платформада жамлаш осон эмас. Инвесторларни мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, ривожланиш йўлидаги имкониятлари, тақлиф этаётган ташаббуслари, қолаверса, маҳаллий ва хорижлик ишбилармонлар учун яратилган шароитлар қизиқтирмоқда. IV Тошкент халқаро инвестиция форуми хорижлик ишбилармонларга Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳияти билан танишиш учун ажойиб имконият, ҳамкорлик келишувлари учун ўзаро мулоқот майдонини яратиш

берди. Мазкур платформа иши, аниқроғи, халқаро форум тадбирлари бир неча кун дунё эътиборида бўлди. 31 мамлакатдан келган 114 нафар аккредитациядан ўтган журналист ва медиа мутахассис жараёни кенг ёритиб борди. Жумладан, CNN, "EuroNews", "The Guardian", "Al Jazeera" каби етакчи ОАВлар форум иши ва натижалари ҳақида мақолалар эълон қилди. Уларда Тошкент халқаро инвестиция форуми қитъанинг энг муҳим иқтисодий платформаси сифатида эътироф этилмоқда. Анжуманда фаол иштирок этган хорижлик ишбилармонлар ҳам буни таъкидлаб, тадбирга юқори баҳо берди.

▶ Давоми 3-бетда

ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ УЧУН ПЛАТФОРМА

Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун жаҳон бозорларига чиқишда йирик мулоқот, танишув, ҳамкорлик ва келишувлар майдони вазифасини ўтамоқда. Тўртинчи форум жуда кенг кўлам касб этди. Унда халқаро ҳамжамият эътиборига энергетика, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, рақамли технологиялар ва бошқа стратегик муҳим соҳаларга оид умумий қиймати 30 миллиард доллардан ортиқ инвестицион лойиҳалар тақдим этилди.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали бошқариш ҳар қандай давлат учун иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири. Ўзбекистон айна йўналишда сўнгги йилларда кескин илдамлади. Хусусан, сармоявий муҳитни яхшилаш, қонунчиликни либераллаштириш ва барча йўналишларда ислохотларни амалга ошириш орқали мамлакат минтақа етакчисига айланмоқда. Шу нуқтан назардан, Тошкент халқаро инвестиция форуми минтақа миқёсидаги энг нуфузли тадбирлардан бири бўлди. Мазкур анжуман Ўзбекистон қандай инвестиция имконияти тақлиф этаётгани, қайси соҳаларга эътибор қаратаётгани ва жаҳон бизнес ҳамжамияти бу жараёнга муносабатини яққол кўрсатадиган майдон ҳисобланади.

▶ Давоми 2-бетда

Худудларда



ТАХТАКЎПИР — ҲАЁТДАН РОЗИЛИК ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧ КЎПРИГИ

Тахтакўпирлик Муратбай Айимбетовнинг қўлида хунари бор, аммо шунга яраша иш, рўзгорига етадиган насибани уйдан олисламай топиш мушкул эди. Шу боис, у иш ахтариб хорижга кетишга мажбур бўлди. Бир неча вақт ватандан узокда юрди. Кейинги йиллардаги ислохотлар, хусусан, Тахтакўпир туманидаги ўзгаришлар уйига қайтишига умид берди.

Бу шунчаки умидворлик эмас, инсонларни рози қилиш йўлидаги ислохотларга юксак ишонч эди. Шу боис, Муратбай имкониятлардан кенг фойдаланиб, тадбиркорликни бошлади. У "Тахтакўпир" шаҳарча фуқаролар йиғини худудда "From mebel" хусусий корхонасини очиб, мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кечagina меҳнат муҳожир

бўлиб юрган юртдошимиз тумандаги етакчи тадбиркорлар сафидан жой олди. Хусусан, 2023 йилда фаолиятини кенгайтириш мақсадида худуддаги кичик sanoat зонасида бўш турган бинони инвестиция киритиш шарти билан харид қилди.

▶ Давоми 4-бетда

ИНСОНИЙЛИК ВА ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ФАЛСАФАСИ

Янги Ўзбекистондаги ҳар бир ислохотда хотин-қизлар манфаатини кўзлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш мақсад қилинган шунчаки расмий баёнот эмас, бу амалда ҳаётга татбиқ этилаётган сиёсатдир. Ислохотлар самарасида бугун гендер тенглик ҳақидаги гаплар фақат шior бўлиб қолмай, ҳаётда ўз ифодасини топа бошлади. Ҳатто халқимиз онгида ҳам аёлларга нисбатан қарашлар сезиларли даражада ўзгарди.


Юртимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга тенг имконият яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, аввало, ҳуқуқий база яратиш орқали амалга оширилмоқда. Ислохотларнинг янги ҳаётбахш тўлиқини бошланган кейинги йилларда бу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ва улардаги меҳанизмлар мустаҳкам ижтимоий ўзгаришларга замин яратди. Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 58-моддасида "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди", дея белгилаб қўйилди. Бу норма илк бор Конституция даражасида гендер тенгликни кафолатлайдиган қонуний асос бўлди. Шунингдек, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича комиссия фаолияти кучайтирилиб, қатор давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қамровли рас-

турлар амалга оширилмоқда. Бу жараён "Янги Ўзбекистон — инсон қадри учун" тамойилнинг амалий ифодасидир.

Тараққиёт моделида ҳам бу фақат иқтисодий ва сиёсий ривожланиш эмас, балки инсонийлик ва тенг имкониятлар фалсафасидир. Кенг қамровли ислохотлар марказида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, аynиқса, хотин-қизларнинг ҳаётдаги муносиб ўрнини таъминлаш масаласи турибди.

▶ Давоми 5-бетда



Бугуннинг гапи

АГРАР ТАРМОҚ: РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШУВ



Иқлим ўзгариши аллақачон жаҳон глобал муаммоларидан бирига айланиб, аграр соҳа барқарорлигини таъминлашда жиддий таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Ҳарорат ошиб, ёғингарчилик режими кескин ўзгариб бораётгани, қурғоқчилик ва табиий офатлар кучаяётгани қишлоқ хўжалиги учун катта хавф туғдирмоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 3 март куни қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид тақдирот билан танишиш чоғида тармоқ раҳбарлари билан учрашиб, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва инвестициявий муҳитни яхшилаш масалаларини муҳокама қилди. Кейинги йилларда мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш ва иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини камайтириш бўйича қатор иқтисодий ислохотлар амалга

ошириб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги фармони асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида соҳани рақамлаштириш, сувтежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва тармоқда инновацияларни қўллаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

▶ Давоми 4-бетда

